O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI FARG‘ONA VILOYATI HOKIMINING QARORI

2024 - yil 6 - may 290-11-0-Q/24 Farg‘ona viloyati hokimligi

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 19-apreldagi PQ-162-son qarori ijrosini ta’minlash to‘g‘risida

Iqtisodiyotning xususiy sektor rivojlangan tarmoqlarida davlat ishtirokini keskin kamaytirish, xususiy sektor faoliyat ko‘rsatishi uchun qulay raqobat muhitini yaratish, xususiylashtirish jarayonlarini yanada jadallashtirish hamda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 19-apreldagi “Iqtisodiyotda davlat ishtirokini qisqartirishning qo‘shimcha chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-162-son qarori ijrosini ta’minlash maqsadida

Q A R O R Q I L A M A N:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 24-martdagi “Iqtisodiyotda davlat ishtirokini qisqartirishning qo‘shimcha chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-162-son qarori rahbarlik va ijro uchun qabul qilinsin.

2. Mahalliy ijro etuvchi hokimiyat organlari hamda davlat ulushi 50 foizdan yuqori bo‘lgan xo‘jalik jamiyatlari (keyingi o‘rinlarda – davlat ishtirokidagi korxonalar)ning birinchi rahbarlari o‘z sohasida xususiy sektor ulushini muttasil oshirib borish, raqobat muhiti shakllangan sohalardagi, shuningdek, ularning faoliyatiga xos bo‘lmagan, samarasiz foydalanilayotgan va bo‘sh turgan aktivlarini xususiylashtirish (sotish) bo‘yicha takliflarni Farg‘ona viloyati hokimligiga kiritib borilishini ta’minlasin.

Davlat aktivlarini boshqarish agentligi Farg‘ona viloyati boshqarmasi (keyingi o‘rinlarda – Davaktiv boshqarmasi) (Saliyev) Iqtisodiyot va moliya bosh

boshqarmasi (Ro‘zaliyev), Raqobatni rivojlantirish va iste’molchilar huquqlarini himoya qilish boshqarmasi (Xolmatov) bilan birgalikda 2024-yil 1-sentyabrga qadar mazkur bandda nazarda tutilgan vazifalar bajarilishini baholash metodologiyasining tasdiqlanishi va uning asosida 2024-yil yakunidan boshlab reyting shakllantirilishi va e’lon qilib borilishini ta’minlasin.

3. Quyidagilar:

Ommaviy savdolarga chiqariladigan 20 ta aksiya paketlari (ulushlari) ro‘yxati 1-ilovaga muvofiq;

Ommaviy savdolarga chiqariladigan davlat va davlat ishtirokidagi korxonalarning 87 ta ko‘chmas mulk obyektlari ro‘yxati 2-ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

Bunda, Hisob palatasiga balansda saqlovchi tashkilot, idora hamda davlat ishtirokidagi korxonalar tomonidan ushbu qarorning 1 va 2-ilovalardagi aktivlarni o‘z vaqtida Davaktiv agentligiga o‘tkazilishini nazoratga olish va mazkur topshiriqni bajarmagan birinchi rahbarlarga nisbatan choralar ko‘rish yuzasidan O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasiga taklif kiritish vakolati berilganligi inobatga olinsin.

4. Kadastr agentligi Farg‘ona viloyati hududiy boshqarmasi (Mashrapov) qarorning 2-ilovasidagi ko‘chmas mulk obyektlarini topshirish-qabul qilish dalolatnomalariga asosan Davaktiv boshqarmasi nomiga egalik huquqi va kadastr hujjatini rasmiylashtirish vazifasi yuklatilsin.

5. Davaktiv boshqarmasi (Saliyev) davlat aktivlarini sotishni jadallashtirish va iqtisodiyotda xususiy sektor ulushini oshirish maqsadida:

davlat aktivlari uch oy davomida sotilmaganda (viloyat markazi bundan mustasno) ularning boshlang‘ich bahosi ularning qoldiq (balans) qiymati yoki sof aktivlari miqdoridan qat’iy nazar 10 foizigacha bosqichma-bosqich 10 foizdan pasaytirish choralarini ko‘rsin;

Bunda, Davlat aktivlari uch oy muddatda sotilmagan taqdirda xususiylashtirishning boshqa usullarini qo‘llash bo‘yicha Hududiy tanlov komissisiga taklif kiritsin.

6. Qarorga asosan quyidagilar:

tadbirkorlik subyektlari tomonidan “E-AUKSION” elektron savdo

platformasi orqali 2024-yil 1-yanvarga qadar tuzilgan ijara shartnomalari bo‘yicha ijaraga olinganiga kamida besh yil bo‘lgan davlat mulki obyektini Vazirlar Mahkamasi tomonidan belgilangan tartib asosida kapital ta’mirlash, modernizatsiya qilish, tevarak-atrofini obodonlashtirish va bino-inshootlarni turli darajada yaxshilash bo‘yicha ishlar amalga oshirilgan va ijara to‘lovlari o‘z vaqtida to‘lab kelingan hamda ushbu obyekt xususiylashtirish dasturiga kiritilgan taqdirda ularga ushbu davlat mulkini baholangan qiymatda to‘g‘ridan-to‘g‘ri sotib olish huquqi berilishi;

davlat aksiya paketlari xorijiy investorlarga “Toshkent” RFB savdolari orqali xorijiy valyutada sotilishi va ular bo‘yicha to‘lovlar shartnomada belgilangan valyutada amalga oshirilishi;

2024-yil 1-avgustdan boshlab, boshlang‘ich narxi bazaviy hisoblash miqdorining ming baravarigacha bo‘lgan davlat aktivlarini, yer uchastkalarini hamda davlat ishtirokidagi korxonalarning mulklarini sotish va ijaraga berish bo‘yicha o‘tkaziladigan elektron onlayn-auksion savdolari jarayonida, ishtirokchilar tomonidan uchinchi qadamdan boshlab shaxsiy hisobvarag‘ida kamida ularning narx taklifiga nisbatan amaldagi zakalat miqdoridagi summaga ega bo‘lish tartibi joriy etilishi;

Davaktiv agentligi hamda Iqtisodiyot va moliya vazirligining takliflariga ko‘ra, yer va mol-mulk soliqlarini davlat ko‘chmas mulk obyektlarini bo‘lib-bo‘lib to‘lash sharti bilan sotib olgan xaridorlar tomonidan mazkur obyekt uchun to‘langan mablag‘larga proporsional ravishda hisoblash amaliyoti joriy etilishi ma’lumot uchun qabul qilsin.

7. Qaror bilan Qishloq xo‘jaligiga mo‘ljallanmagan yer uchastkalarini sotishni tezlashtirish va ular negizida ishlab chiqarish (xizmat ko‘rsatish) obyektlarini ishga tushirishni rag‘batlantirish maqsadida 2024-yil 1-maydan boshlab quyidagicha tartib o‘rnatilishi ma’lumot va ijro uchun qabul qilinsin:

a) auksion savdolariga chiqarilgan yer uchastkalari (viloyat markazi bundan mustasno) uch oy davomida sotilmaganda, boshlang‘ich qiymatining 30 foizigacha, olti oy davomida sotilmaganda 10 foizigacha bosqichma-bosqich 10 foizdan pasaytirish hamda sotib olish to‘lovlarining 15 foizini uch oy muddatda, qolgan qismini 10 yilgacha muddatda bo‘lib-bo‘lib to‘lash sharti bilan qayta savdoga chiqariladi;

b) ixtisoslashuvi hamda kichik biznes uchun mavjud sharoitdan kelib chiqib

4 va 5-toifalarga kiritilgan tumanlarda joylashgan davlat aktivlari hamda mulk huquqi asosida sotib olingan yer uchastkalari bo‘yicha:

dastlabki to‘lov summasi 35 foizdan kam bo‘lgan hollarda qolgan summaga Markaziy bankning asosiy stavkasi bo‘yicha foizlarni hisoblash tartibi bekor qilinadi;

to‘lovlarni, miqdoridan qat’iy nazar 5 yil ichida teng ulushlarda bo‘lib-bo‘lib to‘lash imkoniyati yaratiladi;

qishloq xo‘jaligiga mo‘ljallanmagan yer uchastkalarini kredit ta’minoti sifatida garovga qo‘yish uchun amalga oshiriladigan dastlabki to‘lov miqdori 35 foizdan 15 foizga pasaytiriladi;

v) Vazirlar Mahkamasi qarori bilan tasdiqlanadigan rejaga muvofiq xalqaro ahamiyatga molik avtomobil yo‘llari bo‘yida joylashgan yer uchastkalarida zamonaviy servis va savdo-maishiy obyektlarini barpo etish uchun master-reja asosida yer uchastkalari ularning toifasidan qat’iy nazar auksion savdolariga chiqariladi;

g) davlat mulki sifatida davlat ro‘yxatidan o‘tkazilgan bo‘sh yer uchastkalariga nisbatan tuman (shahar) hokimliklarining qarzdorliklari bo‘yicha taqiqlar tatbiq etilmaydi, ushbu yer uchastkalari auksion savdolarida sotilganda, xaridorlarga to‘siqlarsiz rasmiylashtirib beriladi;

d) maxsus iqtisodiy, kichik sanoat, yoshlar sanoat va tadbirkorlik zonalarining (keyingi o‘rinlarda – sanoat zonalari) bosh rejasiga muvofiq:

sanoat zonalari infratuzilma bilan ta’minlangandan va davlat qabul komissiyasi tomonidan qabul qilingandan so‘ng ular hududidagi yer uchastkalari auksion savdolariga chiqariladi.

8. Davaktiv boshqarmasi (Saliyev) Vazirlar Mahkamasi tomonidan tasdiqlanadigan tartibga ko‘ra, davlat aktivlari va yer uchastkalarini xususiylashtirish hamda ijaraga berish bo‘yicha tuzilgan shartnomalar doirasida yuzaga keladigan nizolar va da’volarni birinchi navbatda mediatsiya tartib-taomili asosida amalga oshirish choralarini ko‘rsin.

Bunda, professional mediator tomonlarning o‘zaro kelishuvi asosida investitsiya, xususiylashtirish va kapital bozorida tajribaga ega shaxslar orasidan tanlab olinishi belgilab qo‘yilsin.

9. Iqtisodiyot va moliya bosh boshqarmasi (Ro‘zaliyev):

a) Qishloq xo‘jaligi boshqarmasi (Fozilov), Veterinariya va chorvachilikni rivojlantirish boshqarmasi (Tursunov), Raqobatni rivojlantirish va iste’molchilar huquqlarini himoya qilish boshqarmasi (Xolmatov) va Davaktiv boshqarmasi (Saliyev) bilan birgalikda 2024-yil 1-iyulga qadar veterinariya xizmatlari bozorini o‘rganib chiqsin va uni xususiy sektorga o‘tkazish yoki davlat-xususiy sheriklik tamoyili bo‘yicha amalga oshirilishi mumkin bo‘lgan veterinariya xizmatlari bo‘yicha takliflarni Farg‘ona viloyati hokimligiga taklif kiritsin;

b) Suv xo‘jaligi boshqarmasi (Tursunov), Raqobatni rivojlantirish va iste’molchilar huquqlarini himoya qilish boshqarmasi (Xolmatov) va Davaktiv boshqarmasi (Saliyev) bilan birgalikda ikki oy muddatda suv xo‘jaligi sohasida qurilish xizmatlari bozoridagi xususiy sektor ulushini o‘rgangan holda “O‘zsuvqurilish” AJ va uning tizim tashkilotlarini xususiy sektorga o‘tkazish bo‘yicha takliflarni Farg‘ona viloyati hokimligiga kiritsin;

v) Transport boshqarmasi (Xomidov), Raqobatni rivojlantirish va iste’molchilar huquqlarini himoya qilish boshqarmasi (Xolmatov) va Davaktiv boshqarmasi (Saliyev) bilan birgalikda ikki oy muddatda Avtomobil yo‘llari qo‘mitasini isloh qilish va uning faoliyatiga xususiy sektorni jalb qilish bo‘yicha quyidagilarni nazarda tutuvchi takliflarni ishlab chiqib, Farg‘ona viloyati hokimligiga kiritsin:

Avtomobil yo‘llari qo‘mitasining buyurtmachi funksiyasini saqlab qolgan holda uning pudratchi, ta’mirlash, ishlab chiqarish va boshqa korxonalarini Qo‘mita tarkibidan chiqargan hoda xususiylashtirish;

avtomobil yo‘llarini ekspluatatsiya qilish jarayonini bosqichma-bosqich xususiy sektorga o‘tkazish.

10. Farg‘ona viloyati hokimining qurilish, kommunikatsiyalar, kommunal xo‘jalik, ekologiya va ko‘kalamzorlashtirish masalalari bo‘yicha o‘rinbosari (X.Isaqov) bir oy muddatda aholi punktlarining shaharsozlik hujjatlarini, shahar va shaharchalarning bosh reja loyihalarini ishlab chiqish grafigini tasdiqlasin.

Qurilish va uy-joy kommunal xo‘jaligi bosh boshqarmasi (L.Pozilov) aholi punktlarining bosh rejasi hamda boshqa shaharsozlik hujjatlari ishlab chiqilishi va ularning ijrosi bo‘yicha shaxsan mas’ul etib belgilansin.

11. Iqtisodiyot va moliya bosh boshqarmasi (Z.Ro‘zaliyev), Davaktiv

boshqarmasi (Saliyev) bilan birgalikda davlat ko‘chmas mulk obyektlari hamda qishloq xo‘jaligiga mo‘ljallanmagan yer uchastkalari sotilishidan tushgan tushumlarning qonunchilikka muvofiq tegishli qismi ushbu obyektlar joylashgan tuman (shahar)lar byudjetida qoldirilishini ta’minlasin.

12. Mazkur qaror ijrosini nazorat qilish Farg‘ona viloyati hokimining birinchi o‘rinbosari X.Sirojitdinov zimmasiga yuklansin.

Viloyat hokimi **X. Bozarov**

Farg‘ona viloyat hokimining
2024-yil 6-maydagi
290-11-0-Q/24-son qaroriga
1-ilova

Оммавий савдоларга чиқариладиган акция пакетлари (улушлари)

РЎЙХАТИ

Т/р	Т/р	СТИР	Номи	ТҲШ	Ҳудуд	Сотиладиган улуш (фоиз)
I. Давлат иштирокидаги корхоналарнинг таркибидаги ташкилотларнинг акция пакетлари (улушлари)						
“Ўзавтосаноат” АЖ						
1.	1.	202678977	Автоойна	МЧЖ	Фарғона вилояти	100
2.	2.	301948646	Uzsungwoo	МЧЖ	Фарғона вилояти	50
3.	3.	201648634	Қўқонавтотеххизмат	МЧЖ	Фарғона вилояти	51
4.	4.	200146944	Фарғона автотеххизмат-Ф	МЧЖ	Фарғона вилояти	52,9
5.	5.	200153825	Фарғона автомарказ	МЧЖ	Фарғона вилояти	94,5
“Иссиқлик электр станциялари” АЖ						
6.	1	205223299	Фарғона шифобахш суви	МЧЖ	Фарғона вилояти	48,98
“Ўздонмаҳсулот” АК						
7.	1	305027278	Асадбек иссиқ нонлари	МЧЖ	Фарғона вилояти	100
8.	2	305024947	Ғалаба иссиқ нон	МЧЖ	Фарғона вилояти	100
9.	3	305005219	Golden Foods Makaron	МЧЖ	Фарғона вилояти	100
10.	4	305005194	Quva Wachtel Non	МЧЖ	Фарғона вилояти	100
11.	5	306340633	Бағдод нон	МЧЖ	Фарғона вилояти	100
“Ўзсувқурилиш” АЖ						
12.	1	300801925	Бағдодмахсуссувпудрат	МЧЖ	Фарғона вилояти	100
II. Давлат ташкилотлари иштирокидаги корхоналарнинг акция пакетлари (улушлари)						
Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги						
13.	1	309588456	Rishtan Best Seeds	МЧЖ	Фарғона вилояти	100
14. 2	2	306803808	Қува элита уруғчилик хўжалиги(1)	МЧЖ	Фарғона вилояти	100
15.	3	306805259	Бешариқ элита уруғчилик хўжалиги(1)	МЧЖ	Фарғона вилояти	100
16.	4	306804932	Тошлоқ элита уруғчилик хўжалиги(1)	МЧЖ	Фарғона вилояти	100
17.	5	310105511	Bag‘dod best seeds(1)	МЧЖ	Фарғона вилояти	100
Маданият вазирлиги						

Т/р	Т/р	СТИР	Номи	ТҲШ	Ҳудуд	Сотиладиган улуш (фоиз)
18.	1	305520630	Фарғона анорчилик	МЧЖ	Фарғона вилояти	86,87
Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари						
19.	1	308578635	Учкўприк тумани енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, логистика ва савдо комплексини бошқариш ва ободонлаштириш офиси	МЧЖ	Фарғона вилояти	100
20.	2	200127943	Қўқон савдо комплекси	МЧЖ	Фарғона вилояти	51,2

Изоҳ:

(1) Уруғчиликни ривожлантириш маркази таркибидаги масъулияти чекланган жамият шаклидаги уруғчилик (элита уруғчилик) хўжаликларини бирлаштириш орқали Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 13 та уруғчилик хўжаликлари ташкил этилади ва уларнинг
51 фоиз улушини сақлаган ҳолда қолган улушлари оммавий савдолар орқали сотилади.

1. "Ўзавтосаноат" АЖ тизимидаги корхоналарни хусусийлаштириш шартлари у билан келишилган ҳолда Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш давлат комиссияси томонидан белгиланади.

2. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги уруғчилик марказларини хусусийлаштириш ушбу соҳани тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ва техник ҳужжатлар қабул қилингандан кейин Давлат мулкини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш комиссияси қарори асосида кўриб чиқилади.

Farg‘ona viloyat hokimining
2024-yil 6-maydagi
290-11-0-Q/24-son qaroriga
2-ilova

Оммавий савдоларга чиқариладиган давлат ва давлат иштирокидаги корхоналарнинг кўчмас мулк объектлари РЎЙХАТИ

Т/р	Объектнинг номи	Манзили	Эгаллаган майдони (га)	Бино ва иншоотлар майдони (м²)	Балансда сақловчи (мулкдор номи)	Юқори турувчи орган ёки ташкилот
Фарғона вилояти						
1.	Нематулаев қозонхонаси	Боғдод тумани, Бўстон даҳаси	0,03	270	Фарғона вилоят “Иссиқлик манбаи” ИЧДБ	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги
2.	Маъмурий бино	Бешарик тумани, А.Фарғоний кўчаси	0,01	137,3	“Ўзагросуғурта” АЖ	“Ўзагросуғурта” АЖ
3.	Бўш турган бино	Бешариқ тумани, “Узун” МФЙ, Қўрғонча кўчаси	0,038	218	Бешариқ тумани ҳокимлиги	Фарғона вилояти ҳокимлиги
4.	Автойўл бўлимига тегишли бино-иншооти	Бешариқ тумани, “Абдувай” МФЙ, Янги қишлоғи	0,2	250	Бешариқ тумани йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси	Автомобиль йўллари қўмитаси
5.	Собиқ оталар чойхонаси	Бешариқ тумани, “Андархон” МФЙ Андархон қишлоғи	0,04	150	Бешариқ тумани ҳокимлиги	Фарғона вилояти ҳокимлиги
6.	Бўш турган бино	Бешариқ тумани, “Намуна” МФЙ, Қораянтоқ қишлоғи	0,06	120	Бешариқ тумани ҳокимлиги	Фарғона вилояти ҳокимлиги
7.	Тиббиёт бирлашмаси биноси	Бешариқ тумани, “Ропқон” қишлоғи	0,32	451	Бешариқ тумани тиббиёт бирлашмаси	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
8.	Марказий минерал ўғитлар сақлаш омбори	Бешариқ тумани, “Янгиҳаёт” ҚФЙ, “Саховат” кўчаси, 4-уй	3,05	4485,2	Давлат активларини бошқариш агентлигининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси	Давлат активларини бошқариш агентлиги
9.	Бўш турган устахона	Боғдод тумани, “Янги қишлоқ” МФЙ	0,04	80	Боғдод тумани 37-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
10.	49-сон умумий ўрта таълим мактабига қарашли бино-иншооти	Боғдод тумани, “Говхона” қишлоғи	0,18	375,7	Боғдод тумани 49-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
11.	Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти Фарғона филиали	Боғдод тумани, “Конизар” МФЙ	0,4	884,3	Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти Фарғона филиали	Фанлар академияси
12.	Бўш турган бино	Боғдод тумани, Боғдод шаҳарчаси	0,01	80	Боғдод туман ҳокимлиги	Фарғона вилояти ҳокимлиги
13.	Дўстлик минерал ўғитлар сақлаш марказий омбори	Бувайда тумани, “Қўнғирот” ҚФЙ, Туман кўчаси	0,738	6307	Давлат активларини бошқариш агентлигининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси	Давлат активларини бошқариш агентлиги
14.	Ғазначи ҚВП биноси	Бувайда тумани, “Понсод” МФЙ, Ғазначи қишлоги	0,1	78,0	Бувайда тумани тиббиёт бирлашмаси	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
15.	Қориева қозонхонаси	Бувайда тумани, “Қориева” МФЙ, Янгиқўрғон шаҳарчаси	0,02	220	Фарғона вилоят “Иссиқлик манбаи” ИЧДБ	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги
16.	Охунбобоев қозонхонаси	Бувайда тумани, Охунбобоев кўчаси	0,02	180	Фарғона вилоят “Иссиқлик манбаи” ИЧДБ	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги
17.	Қўқон туманлараро филиалига қарашли Данғара туманидаги марказий минерал ўғитлар сақлаш омбор	Данғара тумани, “Навбаҳор” ҚФЙ, “Навбаҳор” МФЙ	0,516	2 988,3	Давлат активларини бошқариш агентлигининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси	Давлат активларини бошқариш агентлиги
18.	Бўш турган бино-иншооти	Данғара тумани, “Қияли кўрғонча” МФЙ	0,08	81,6	Данғара тумани ҳокимлиги	Фарғона вилояти ҳокимлиги
19.	Собиқ маъмурий бино	Данғара тумани, “Телимин” МФЙ	0,01	104,4	Данғара тумани ҳокимлиги	Фарғона вилояти ҳокимлиги
20.	“А. Навоий” номли минерал ўғитлар сақлаш шоҳобчасиси	Ёзёвон тумани, “Гулистон” ҚФЙ, Чопқилиқ кўчаси, 2-уй	1,047	2 094,7	Давлат активларини бошқариш агентлигининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси	Давлат активларини бошқариш агентлиги
21.	Навоий қозонхонаси	Ёзёвон тумани, “Навоий” МФЙ	0,02	200	Фарғона вилоят “Иссиқлик манбаи” ИЧДБ	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги
22.	Бўш турган бино-иншооти	Ёзёвон тумани, “Юқори сойбўйи” МФЙ, Андижон кўчаси	0,04	420	Ёзёвон тумани 1-сонли касб-ҳунар мактаби	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
23.	Ветеринария биноси	Ёзёвон тумани, “Қатортол” МФЙ, Бобур кўчаси	0,2	90	Ёзёвон тумани ветеринария бўлими	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси

Т/р	Объектнинг номи	Манзили	Эгаллаган майдони (га)	Бино ва иншоотлар майдони ($м^2$)	Балансда сақловчи (мулкдор номи)	Юқори турувчи орган ёки ташкилот
24.	Мустақилик қозонхонаси	Ёзёвон тумани, “Мустақиллик” МФЙ	0,02	180	Фарғона вилоят “Иссиқлик манбаи” ИЧДБ	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги
25.	Собиқ омборхона бино-иншооти	Ёзёвон тумани, Ёзёвон шаҳарчаси, Андижон кўчаси, 1 уй	0,07	743,5	Ёзёвон тумани 2-сонли касб-ҳунар мактаби	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
26.	Ётоқхона бино-иншооти	Ёзёвон тумани, Ёзёвон шаҳарчаси, Андижон кўчаси 1-уй	0,09	930	Ёзёвон тумани 2-сонли касб-ҳунар мактаби	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
27.	Даҳқонобод ҚАТС	Қува тумани, “Деҳқонобод” ҚФЙ, “Жалаер” МФЙ	0,0069	69,56	“Ўзбектелеком” АК Фарғона филиали	“Ўзбектелеком” АК
28.	Қува туман филиалининг собиқ Марказий омбори бино иншоотлари	Қува тумани, “Тошховуз” ҚФЙ, Увайсий кўчаси, 1-уй	0,83	2640	Давлат активларини бошқариш агентлигининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси	Давлат активларини бошқариш агентлиги
29.	Ветеринария идораси	Қува тумани, Қайрағоч кўчаси	0,05	225,0	Қува тумани ҳокимлиги	Фарғона вилояти ҳокимлиги
30.	Собиқ спорт зал бино-иншооти	Қўқон шаҳар, Сарбоз кўчаси, 11-уй	0,15	80	Қўқон шаҳар Автойўл техникуми	Транспорт вазирлиги
31.	20-сон мактаб қозонхонаси	Қўштепа тумани	0,02	200	Фарғона вилоят “Иссиқлик манбаи” ИЧДБ	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги
32.	Бўш турган объект	Қўштепа тумани, “Шакар” МФЙ, Ҳунармандлар кўчаси, рақамсиз уй	0,04	98	Қўштепа тумани ҳокимлиги	Фарғона вилояти ҳокимлиги
33.	40-сон мактаб бино-иншоотлари бир қисми	Қўштепа тумани, “Сойбўйи” МФЙ, Арчазор кўчаси	0,15	360,9	Қўштепа туман мактабгача ва мактаб таълими бўлими	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
34.	Турар жой бино ва иншоатлари	Марғилон шаҳар, “Маориф” МФЙ, Д.Султонов кучаси, 168б-уй	0,03	147,41	"Туронбанк" АТБ	"Туронбанк" АТБ
35.	Бино-иншоот	Марғилон шаҳар, “А.Навоий” МФЙ, Ипак йўли кўчаси, 65А-уй	0,09	291	Марғилон шаҳар ҳокимлиги	Фарғона вилояти ҳокимлиги
36.	Саломатлик маркази бино-иншооти	Марғилон шаҳар, “А.Навоий” МФЙ, Мардона кўчаси, 4-уй	0,06	263,8	Марғилон шаҳар Саломатлик маркази	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
37.	Марғилон туманлараро базасининг маъмурий биноси ва марказий омбори	Марғилон шаҳри, “Надирмат” МФЙ, Ёшлар 23-уй	1,88	10304,9	Давлат активларини бошқариш агентлигининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси	Давлат активларини бошқариш агентлиги
38.	Маданият бўлимининг собиқ маъмурий биноси(2)	Олтиариқ тумани, “Янги чек” МФЙ, Марказий кўчаси	0,05	447	Олтиариқ тумани маданият бўлими	Маданият вазирлиги
39.	Собиқ ётоқхона бино-иншооти	Олтиариқ тумани, “Капчугай” МФЙ, Мустақиллик кўчаси, 302-уй	0,1	959,4	Олтиариқ туман 1-сон касб-ҳунар мактаби	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
40.	Бино-иншоот	Олтиариқ тумани, “Оқбуйра” МФЙ, Оқбуйра кўчаси	0,05	188,77	Олтиариқ тумани ҳокимлиги	Фарғона вилояти ҳокимлиги
41.	Олтиариқ тумани минерал ўғитлар сақлаш марказий омбори	Олтиариқ тумани, “Тинчлик (Ҳамза)” ҚФЙ, “Шодлик” МФЙ	0,33	1956,9	Давлат активларини бошқариш агентлигининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси	Давлат активларини бошқариш агентлиги
42.	Қозонхона бино-иншооти	Олтиариқ тумани, “Тинчлик” МФЙ, Тинчлик кўчаси	0,1	344	Фарғона вилояти “Иссиқлик манбайи” ИЧБ	Қурилиш ва уй-жон коммунал хўжалиги вазирлиги
43.	Бўш турган бино-иншоот (“Шалола” МФЙ ёрдамчи бино-иншооти)	Олтиариқ тумани, “Шалола” МФЙ	0,03	308,25	Олтиариқ тумани ҳокимлиги	Фарғона вилояти ҳокимлиги
44.	Омборхона бино-иншоотлари	Олтиариқ тумани, Мустақиллик кўчаси, 136-уй	0,1	166	Фарғона вилояти Сирдарё-Сўх ирригация бошқармаси	Сув хўжалиги вазирлиги
45.	Собиқ Фуқаролик ишлари бўйича Риштон туманлараро суди бино-иншооти	Риштон тумани, “Учариқ” МФЙ	0,13	383,74	Судлар фаолиятини таъминлаш Департаменти Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси	Ўзбекистон Республикаси Олий суди
46.	Клуб бино-иншоатлари	Риштон тумани, Навбахор МФЙ, Тинчлик кўчаси 186-уй	0,20	3483,00	"Туронбанк" АТБ	"Туронбанк" АТБ
47.	Тошлоқ туманидаги “Х. Марозиков” шоҳобчаси	Тошлоқ тумани “Найманбўстон” ҚФЙ, “Хонариқ” МФЙ	0,302	589	Давлат активларини бошқариш агентлигининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси	Давлат активларини бошқариш агентлиги
48.	Оталар чойхонаси бино-иншооти	Тошлоқ тумани, “Хонариқ” МФЙ, Хонариқ кўчаси	0,01	174,5	Тошлоқ туман ҳокимлиги	Фарғона вилояти ҳокимлиги
49.	Собиқ оталар чойхонаси бино-иншооти	Тошлоқ тумани, “Чек” МФЙ, Истиқлол кўчаси	0,1	273,76	Тошлоқ туман ҳокимлиги	Фарғона вилояти ҳокимлиги
50.	Бино-иншоотлари	Тошлоқ тумани, “Ахшакгузар” МФЙ	0,03	126	Тошлоқ тумани ҳокимлиги	Фарғона вилояти ҳокимлиги

Т/р	Объектнинг номи	Манзили	Эгаллаган майдони (га)	Бино ва иншоотлар майдони (м²)	Балансда сақловчи (мулкдор номи)	Юқори турувчи орган ёки ташкилот
51.	Бино-иншоотлари	Тошлоқ тумани, “Бесаранг” МФЙ, Бесаранг қишлоғи	0,02	64	Тошлоқ тумани ҳокимлиги	Фарғона вилояти ҳокимлиги
52.	2-сон касб-ҳунар мактаби биноси	Тошлоқ тумани, “Варзак” МФЙ, Кўприкбоши кўчаси	0,03	104	Тошлоқ тумани 2-сон касб-ҳунар мактаби	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
53.	2-сон касб-ҳунар мактаби биноси	Тошлоқ тумани, “Варзак” МФЙ, Кўприкбоши кўчаси	0,01	40	Тошлоқ тумани 2-сон касб-ҳунар мактаби	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
54.	Субзаркент қозонхонаси	Тошлоқ тумани, “Заркент” МФЙ	0,02	200	Фарғона вилоят “Иссиқлик манбаи” ИЧДБ	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги
55.	Қурбонбоев қозонхонаси	Тошлоқ тумани, “Қурбонбоев” МФЙ	0,01	130	Фарғона вилоят “Иссиқлик манбаи” ИЧДБ	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги
56.	Фавқулотда вазиятлар бўлими бўш турган биноси	Тошлоқ тумани, “Тошлоқ” МФЙ, Довон кўчаси	0,12	280,63	Фарғона вилояти Фавқулотда вазиятлар бошқармаси	Фавқулотда вазиятлар вазирлиги
57.	Статистика бўлимининг собиқ маъмурий биноси	Тошлоқ тумани, А.Навоий кўчаси	0,02	150	Тошлоқ тумани статистика бўлими	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги
58.	Саломатлик маркази бино-иншооти	Тошлоқ тумани, Огаҳий кўчаси	0,01	189,68	Тошлоқ тумани ҳокимлиги	Фарғона вилояти ҳокимлиги
59.	Райкамхоз қозонхонаси	Тошлоқ тумани, “А Навоий” МФЙ	0,03	260	Фарғона вилоят “Иссиқлик манбаи” ИЧДБ	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги
60.	Дам олиш маскани бино-иншоотлари	Ўзбекистон тумани, “А.Жомий” МФЙ, А.Навоий кўчаси	0,05	401	Ўзбекистон тумани ирригация бўлими	Сув хўжалиги вазирлиги
61.	Учкўприк туманидаги марказий минерал ўғитлар сақлаш омбори бино-иншоотлари	Учкўприк тумани, “Кенагас” ҚФЙ, “Қақир” саноат зонаси	0,12	925,8	Давлат активларини бошқариш агентлигининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси	Давлат активларини бошқариш агентлиги
62.	Собиқ юқумли касалликлар шифохонаси(1)	Учкўприк тумани, “Тожик” МФЙ	1,2	2300	Учкўприк тумани тиббиёт бирлашмаси	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
63.	Фарғона туманидаги “Чимён” номли минерал ўғитлар сақлаш омбори	Фарғона тумани, “Чимён” ҚФЙ, “Сотторжонобод” МФЙ	0,229	700,6	Давлат активларини бошқариш агентлигининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси	Давлат активларини бошқариш агентлиги
64.	“Турсунқулов-1” (Наврўз) шоҳобчаси	Фарғона тумани “Юқори Водил” ҚФЙ, “Наврўз” МФЙ	0,19	1 564,8	Давлат активларини бошқариш агентлигининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси	Давлат активларини бошқариш агентлиги
65.	Дам олиш маскани бино-иншоотлари	Фарғона тумани, “Шохимардон” МФЙ, Порсин кўчаси	0,34	1066,04	Катта Фарғона магистрал канналари бошқармаси	Сув хўжалиги вазирлиги
66.	“Шермат Ёрматов” номидаги 66-сонли маданият маркази бино-иншооти(2)	Фарғона тумани, “Лоғон” МФЙ, Янги йўл кўчаси, 196-уй	0,1	453,2	Фарғона тумани Маданият бўлими	Маданият вазирлиги
67.	Собиқ Фарғона вилояти ёнғинга қарши курашиш бошқармаси дам олиш маскани бино ва иншоотлари	Фарғона тумани, “Ёрдон” МФЙ, Қизил тоғ кўчаси	0,3	60	“Шохимардон-Ёрдон” туризни ривожлантириш дирекцияси	Фарғона вилояти ҳокимлиги
68.	Дам олиш маскани бино ва иншоотлари	Фарғона тумани, “Ёрдон” МФЙ, Қизил тоғ кўчаси	1,5	250	“Сирдарё-Сўх” ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси	Сув хўжалиги вазирлиги
69.	Дам олиш маскани	Фарғона тумани, “Ёрдон” МФЙ, Қизил тоғ кўчаси	0,3	75	“Шохимардон-Ёрдон” туризмни ривожлантириш дирекцияси	Фарғона вилояти ҳокимлиги
70.	Дам олиш маскани бино ва иншоотлари	Фарғона тумани, “Ёрдон” МФЙ, Қизил тоғ кўчаси	2,75	1518	Фарғона вилояти Солиқ бошқармаси	Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги солиқ қўмитаси
71.	Собиқ “Алоқачи” дам олиш маскани бино ва иншоотлари	Фарғона тумани, “Ёрдон” МФЙ, Қизил тоғ кўчаси, 2 А уй	1,138	1093,72	Фарғона вилояти Статистика бошқармаси	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги
72.	Чимиён қозонхонаси	Фарғона тумани, “Кончилар” МФЙ, Мурувват кўчаси	0,02	150	Фарғона вилоят “Иссиқлик манбаи” ИЧДБ	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги
73.	Собиқ “Марғилон шаҳар Педагогика коллежи” дам олиш маскани	Фарғона тумани, “Шохимардрн” МФЙ, Қизилтоғ кўчаси	0,8	1200	“Шохимардон-Ёрдон” туризмни ривожлантириш дирекцияси	Фарғона вилояти ҳокимлиги
74.	Дам олиш маскани бино ва иншоотлари	Фарғона тумани, “Шоҳимардон” МФЙ, Порсин кўчаси	0,07	186,2	Фарғона вилояти ички ишлар бошқармаси	Ички ишлар вазирлиги
75.	9229 ҳарбий қисмга қарашли бино ва иншоотлар(3)	Фарғона тумани, "Шохимардон" МФЙ "Оққия" қишлоғи	0,5	756,58,	Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари	Давлат хавфсизлик хизмати
76.	Турар жой	Фарғона шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 30-уй 10-хонадон	0,01	97,7	“Ўзагросуғурта” АЖ	“Ўзагросуғурта” АЖ
77.	“МСЧ” қозонхонаси	Фарғона шаҳар, “А.Жомий” МФЙ	0,36	770	Фарғона вилоят “Иссиқлик манбаи” ИЧДБ	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги
78.	Турар жой	Фарғона шаҳар, Дўстлик кўчаси, 30-уй 8-хонадон	0,01	56,3	“Ўзагросуғурта” АЖ	“Ўзагросуғурта” АЖ

Т/р	Объектнинг номи	Манзили	Эгаллаган майдони (га)	Бино ва иншоотлар майдони ($м^2$)	Балансда сақловчи (мулкдор номи)	Юқори турувчи орган ёки ташкилот
79.	Собиқ гараж бино-иншооти	Фарғона шаҳар, “Ўрмончилар” МФЙ, Мустақиллик кўчаси	0,75	1357	Фарғона вилояти Қишлоқ хўжалиги бошқармаси	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
80.	Лаборатория бино-иншоотлари	Фарғона шаҳар, “Ўрмончилар” МФЙ, Мустақиллик кўчаси 310-уй	0,04	145	Фарғона вилояти Автомобил йўллари ҳудудий бошқармаси	Автомобиль йўллари қўмитаси
81.	Собиқ Норкологик диспансер биноси бир қисми	Фарғона шаҳар, “Табассум” МФЙ, Янгизамон кўчаси, 8-уй	0,1	634	Соғликни сақлаш бошқармаси	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
82.	Собиқ Норкологик диспансер биноси бир қисми	Фарғона шаҳар, “Табассум” МФЙ, Янгизамон кўчаси, 8-уй	0,05	218,5	Соғликни сақлаш бошқармаси	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
83.	Собиқ ўт ўчирувчилар биноси	Фурқат тумани, “Ғаллакор” МФЙ, Тиллотепа қишлоғи	0,6	22,0	Фурқат туман йўллардан фойдаланиш корхонаси	Автомобиль йўллари қўмитаси
84.	Суюлтирилган газ омбори (фойдаланилмаётган қисми)	Қўқон шаҳар, 40-МФЙ, Боғибанон кўчаси 21 уй.	0,34	891,9	“Ҳудудгаз Фарғона” ГТФ	“Ҳудудгазтаъминот” АЖ
85.	Ошхона биноси	Қувасой шаҳри, Гулистон МФЙ, А.Навоий кўчаси 150 уй	0,32	185,3	“Ҳудудгаз Фарғона” ГТФ	“Ҳудудгазтаъминот” АЖ
86.	Маъмурий бино (фойдаланилмаётган қисми)	Данғара тумани, Данғара шаҳри, Нурли йўл кўчаси 6 а-уй.	0,06	564,4	“Ҳудудгаз Фарғона” ГТФ	“Ҳудудгазтаъминот” АЖ
87.	Суюлтирилган газ тарқатиш омборхонаси (фойдаланилмаётган ер майдони)	Қува тумани, Деҳқонобод МФЙ, Шўр маҳалласи	0,50	250,0	“Ҳудудгаз Фарғона” ГТФ	“Ҳудудгазтаъминот” АЖ

Изоҳ:

1. Мазкур иловада кўрсатилган рўйхатга Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш давлат комиссияси қарори билан ўзгартириш киритилиши ёки активлар рўйхатдан чиқарилиши мумкин.

2. Мазкур илова ва кадастр ҳужжатларида активларнинг номланишида ҳамда бино ва иншоотлар эгаллаган майдони кўрсаткичларида ёки балансда сақловчисида тафовут мавжуд бўлган тақдирда, ушбу активлар кадастр ҳужжатлари асосида сотилади.

3. Мазкур иловада кўрсатилган активларни савдога чиқаришда, зарур ҳолларда Давлат активларини хусусийлаштириш
ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш давлат комиссияси томонидан уларни сотиш шартлари ҳам белгиланиши мумкин.

4. Мактаб ва мактабгача таълим вазирлиги тизимига кирувчи кўчмас мулк объектлари нодавлат таълим муассасаси ташкил этиш
ва фаолият турини сақлаш шарти билан оммавий савдоларга чиқарилади.

5. Ижтимоий соҳа объектларини сотиш муддати ва шартлари, шу жумладан фаолият турини сақлаш шартлари Давлат мулкини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш комиссияси томонидан белгиланади.

6. Мазкур қарор иловада кўрсатилган активларга кадастр ҳужжати расмийлаштириш учун асос ҳисобланади.

(1) Мазкур объектлардан самарали фойдаланиш Соғлиқни сақлаш вазирлигининг таклифлари асосида Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш давлат комиссиясининг қарорига мувофиқ белгиланади.

(2) Мазкур объектлардан самарали фойдаланиш Маданият вазирлигининг таклифлари асосида Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш давлат комиссиясининг қарорига мувофиқ белгиланади.

(3) Объектларни сотишдан тушган маблағлар, баҳолаш ва сотиш харажатлари ҳамда Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармасига ўтказиладиган қисми чегирилган ҳолда Давлат хавфсизлик хизматининг ривожлантириш жамғармасига йўналтирилади.